



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 70 (9306)


1988 йил 9 апрель

Баҳоси 3 тийин.

ШАНБА

СОНИ

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК



КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросимида.

ТОШКЕНТ, 8 апрель.
(ТАСС махсус мухбирлари).
М. С. Горбачевнинг Ўзбекистондаги бугунги иш программаси В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросими билан бошланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шу ердан шаҳарнинг ишчи районига йўл олди. «Алгоритм» заводи ишлаб чиқариш шини синчиклаб ўрганиш, корхона меҳнатнашлари билан суҳбат салкам икки соат давом этди.

Бош секретарь мутахассислар билан учрашувларнинг бирда мамлакатимиз ҳисоблаш техникасини ривожлантириш бутун халқ ҳужалиги комплексидagi биринчи даражали вазифадир, деб таъкидлади. 2000 йилга бориб биз электрон техника ишлаб чиқаришнинг ўн барабар кўпайтиришимиз зарур, деб таъкидлади у. Улутвор планларимиз реалдир, чунки илм-фанимиз катта ютуқларни қўлга киритган. Эндилликда қувватлар, кадрлар керак. Машинасозлик, бошқа тармоқлар ходимлари янги техника талаб қилиб, электрончиларнинг ҳоли-жонига қўйинмайётгани қувончлидир. Демак, жамиятимиз аҳли ана шу соҳани ривожлантириш жуда зарур эканлигини тушуниб турибди. Шу энг муҳим ишда сизга муваффақиятлар тилайман, ўртоқлар.

М. С. Горбачев цехдан чиқатганида уни ёш ишчилар, инженерларнинг катта гуруҳи кутиб олди.

Бош секретарь уларга мурожаат қилиб, келажагингиз порлоқ, деди. Биринчидан,

сиз ёшсиз, менга айтишларига қараганда, корхона ходимларининг ўртача ёши 28 да. Иккинчидан, сиз ҳозир ҳисоблаш техникасидек саноатнинг олдинги маррасида меҳнат қилмоқдасиз. Бу, албатта, мароқли ишдир. Айниқса ёшлар учун қизиқарлидир. Мен заводга ўзбек қизлари келишганини кўрдим, бу яхши. Ҳали яқингача улар бундай меҳнатта дурустроқ меҳр қўйишмаган эди, ахир, қаторингизда, русларни ҳам, украинларни ҳам кўриб турибман...

Овоз: Корхонамиздаги меҳнатнашларнинг 40 проценти руслар, 35 проценти ўзбеклар, 15 проценти украин ва белоруслардир, жами 40 миллат ва эланинг вакиллари бор.

М. С. Горбачев: Хуллас, интернационал — коллектив дег. Бу яхши. Мамлакатимиздаги барча халқлар бир-бирлари билан мустаҳкам боғлиқ. Масалан, Ўзбекистонни олайлик. Бу республика бутун мамлакатга маҳсулот етказиб беради ва ўзи ҳам ҳамма жойдан маҳсулот олади, олганда ҳам юборганига қараганда кўпроқ маҳсулот олади.

Овоз: Бизда меҳнатсиз даромадларга яшайдиганлар, жўнроқ айтганда бўлсак, чайқовчилар бор.

М. С. Горбачев: Моллар тақчил бўлса, бундай одамларнинг «омади» келади. Ҳозир, қайта қуриш чоғида биз оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайти-

риш учун кўп иш қилмоқдамиз, соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларини, енгил саноатни ривожлантирмоқдамиз. Буни ўзингиз ҳам сезиб турибсиз, деб ўйлайман.

Биз ҳар бир одам ишга яхши кайфият билан боришни истаймиз. Фақат яхши кайфият билан боришни ис-

таймиз. Экономика ўсиб беравергани сайин турмуш муаммолари ҳал бўлаверади. Қайта қуриш, бутун экономикани янги изларга солиш, ҳўжалик юритишнинг янги методларига, янги техникада ишлашга ўтиш сўзсиз муайян вақтни олади. Ҳамма

нарсаси мўл-кўл бўлиши, ҳаёт янада фаровон бўлиши учун, қайта қуришни янада авж олдиравериш керак. Ўртоқлар, барча ишни одам, унинг ишга масъулият билан муносабатда бўлиши, унинг истеъдоди ҳал қилади. Хуллас, ёш дўстлар, ғайрат қилаверинг, сиз республиканинг, бутун мамлакатнинг суянган тоғисиз. Сиз эл-юртнинг аҳтиёжлари ва ташвишларига ҳамдам бўлиб яшайверинг. Кекса авлодлар эса ҳамиша сизга ёрдам бераверади. Сизларга ҳамма эзгу орзуларингиз рўёбга чиқшини тилайман.

М. С. Горбачевга КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов ҳамроҳ бўлдилар.

М. С. Горбачев заводдан қайтиб келгандан кейин республиканинг раҳбар ходимлари билан суҳбатлашди.

Куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Аэропортда уни Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ф. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари шу кўни Москвага қайтиб келди. Э. А. Шеварднадзе у билан бирга келди.

(ТАСС).



КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев «Алгоритм» заводига.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотолари).

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ АКТИВЛАРИ БИЛАН СУХБАТ

ТОШКЕНТ, 8 апрель. (ЎзТАГ). Р. М. Горбачевнинг Ўзбекистон маданият фонди намоёндалари билан бугун бўлиб ўтган учрашуви чоғида қайта қуриш пайтида тузилган жамоатчилик ташкилот — Совет маданият фондининг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида гапирди. Фонд фаолияти, деб таъкидланди, учрашувда, меҳнаткашларнинг Ватанимиз ва жаҳон маданияти хазиналаридан тўлароқ баҳраманд бўлишга, одамларнинг эстетик, ватанпарварлик ва интернационал тарбиясига, граждандарда умуммиллий маданий бойлини кўпайтириб бориш туйғусини қамол топтиришга ёрдам бериши керак.

Учрашув қатнашчилари миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитишга ёрдам беришни, маънавий ҳаётда интернационализмни қарор топтиришни, СССР халқлари қардошларча дўстлигини мустақамлашнинг фонд фаолиятининг муҳим соҳаси, деб ҳисоблашаётганликларини айтишди. Ўзбекистон маданият фонди бундан қарийб бир йил муқаддам тузилган эди. Аммо фонд фаолиятининг даст-

лабки натижалари ҳозирнинг ўзидаёқ сезилиб турибди. Тошкентда бунёд этилаётган болаларни эстетик тарбиялаш маркази учун Ўзбекистон рассомлари асарларининг коллекцияси тўпланди, маданият арбобларининг болалар уйлари тарбияланувчилари билан учрашувлари ўтказилмоқда, бадий буюмларнинг «ким ошди» савдолари уюштирилмоқда. Хайрия кечалари ва концертлар ўтказишдек янги анъана қарор топмоқда.

Маданият системасида ўз ўрнини топиш, меҳнаткашларнинг тарих ва маданият бойликларига қизиқишини ошириш, миллий халқ инқодорлиги анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш — фондининг олийжаноб мақсадлари ана шундайлар. Маданият фонди ўзининг бутун фаолияти билан янги сиёсий муҳитни қарор топтириш лозим, деб таъкидлади Р. М. Горбачева. Кенг халқ оmmasи билан чинакамга дўст бўлиш учун жойларда олиб бориладиган ишларнинг ўзига хос шакл ва усулларини қидириб топиш керак. Бу мамолатдаги барча маданий ишларни қайта қуришга ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

8 апрель кунин Тошкентда Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский раислигида Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон СССР Олий Советининг саккизинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди. Республика давлат ҳокимияти олий органининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги тақлифлар муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Республика халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, ҳўжалик органларининг «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги» СССР Қонунини ижро этиш ҳамда граждандар кооперативларининг ҳар хил формаларини ривожлантириш соҳасидаги иш кўриб чиқилди. Ўзбекистон СССР Олий Совети савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комиссиясининг раиси Ю. В. Курочкин мазкур масалани таъйирлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди. Республикадаги бир қанча министрликлар ва идораларнинг, об-ласт янжрия комитетларининг раҳбарлари берган ахборотлар ҳам тингланди.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларига, амалдаги қонуларнинг қондаларига мувофиқ республикада иккинчи ишлаб чиқаришда қатнашаётган меҳнатга лаёқатли аҳолини якка тартибдаги меҳнат фаолиятига жалб этиш, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида кооперативлар тузиш соҳасида муайян ишлар қилинаётганлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда республика аҳолисида 20 мингдан кўпроқ киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда, тўққиз юзта кооператив тузилди, уларда 15 мингдан ортиқ киши ишлаб турибди. Ўтган йили улар 20 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди.

Шу билан бирга, Президиум кўпгина маҳаллий Советлар, министрлик ва идоралар партиянинг демократияни кенгайтиришга, халқ ҳўжалигини соғломлаштиришга қаратилган стратегик йўлни амалга ошириш жараёнида кооперациянинг аҳамиятига етарли баҳо бермаётганликларини, бозорни зарур моллар ва хизмат турлари билан таъминлаш, аҳолининг иш билан банд бўлишини ошириш, маҳаллий бюджетларни тўлдириш имкониятларидан фойдаланмаётганликларини ўқитиб ўтди. Баъзи совет ва ҳўжалик органларининг раҳбарлари сансалорлик ва бюрократизмга йўл қўймоқдалар, граждандарнинг ҳўжалик соҳасидаги ташаббусини ривожлантиришга тўққилик қилмоқдалар, кооперативлар тузишга қўлоқ назар билан қарамоқдалар, уларга бинолар

бериш ва ремонт қилишда, уларни хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам бермаётганликлар.

Кооперативлар таклиф этаётган моллар ва хизматларнинг нарх баландлигини, ҳар хил қонуубзарлик фактларини баҳона қилиб, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини ривожлантиришга қасддан тўққилик қилаётган бир қанча ижрия комитетларининг позицияси айниқса таъминлантормоқда. Бунда кооператив ҳаракатини кенгайтирган, иқтисодий қонулардан актив фойдаланилган, мол сотилган бозорда кенг рақобатни вужудга келтирган, аҳолининг талаби қоят тўлатқис қондирилган тақдирдагина бу муаммоларнинг ҳал этилиши мумкинлиги эътибордан четда қолмоқда.

Иккинчи ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини, пенсионерларни, уй бекаларини, студентлар ва ўқувчиларни кооперативлардаги ишга жалб этиш тўғрисидаги талаблар ҳамма жойда бузилмоқда. Аҳолининг хизмат ва молларга бўлган талаб-ҳўштиги, бу молларини маҳаллий ресурслар ва иккиламчи хом ашёлардан ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганилма-япти, қишлоқ жойларда, халқ ҳўжалигининг индустриал тармоқларида кооперативлар суст суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижрия комитетларини кооперативлар ва граждандар ишлаб чиқарадиган молларни сотиш учун зарур шартот яратилиши таъминламайотишлар, уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатишдан ўзларини четта олмақдалар. Молия органлари ва ички ишлар органлари якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланганда белгиланган тартибни бузётган ёки унинг тақиқланган турлари билан шуғулланаётган граждандарни аниқлашда бўшанглик қилмоқдалар.

Президиум республика халқ депутатлари маҳаллий Советлари, ҳўжалик органларининг бу соҳадаги ишини Ўзбекистон СССР социал-иқтисодий тараққиётини жадаллантиришнинг ҳозирги талабларига мувофиқ келмайдиган, деб таъкидлади, граждандарнинг ҳўжалик ташаббусига тўққилик қиладиган ўринсиз тақиқлашлар ва чеклашлар сингари яроқсиз одатни қоралади. Президиум маҳаллий Советларнинг ижрия комитетларидан кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти масалаларига оид амалдаги қонуларга оғинамай риоя этилишини таъминлаш юзасидан ўзил-кесил чоралар кўришни талаб қилди.

Республика халқ депутатлари Советларига, улар-

нинг ижрия ва бошқарув органларига аҳоли меҳнат фаолиятининг кооператив ва якка тартибдаги формаларини ривожлантиришга раҳбарликни кучайтириш, кооперативларнинг манфаатларини жамоат манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб боришни таъминлаш, ижрия комитетлари ҳўзуридаги тегишли комиссияларнинг масъулиятини ошириш, сансалорлик ва бюрократизм фактларини қатъиян тугатиш вазифаси топширилди. Аҳолининг талаб-ҳўштигини доимий равишда ўрганиш таъминлансин, тузилаётган кооперативларнинг фаолияти маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқилтиридан маҳсулот ишлаб чиқаришга, чорва молларини боқиб семиртиришга ва савзавот етиштиришга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини қайта ишлашга, уй-жойларни ремонт қилиш ва қуришга, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга, қўп талаб қилинувчи хизмат кўрсатишга йўналтирилсин. Кооперативларнинг зарур шароитлар яратиш йўли билан давлат буюртмаларини бажариш ҳўсуусидаги шартномалар асосида халқ ҳўжалиги, тармоқ ва регион аҳамиятига эга бўлган вазифаларни ҳал этишдаги иштироки рағбатлантирилсин.

Маҳаллий Советларнинг ижрия комитетларига аҳолининг иш билан оқилона банд бўлиши масалаларига, кооператив молларнинг нархлари асосий бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор бериб, Савдо министрлиги ва Ўзбекирлалашу билан биргаликда шу молларни сотиш учун қўлай шартот яратиш қўйиш таклиф этилди. Госснаб, Давлат нархлар комитетига, Давлат меҳнат ва социал масалалар комитетига, Молия министрлигига, республиканинг бошқа бир қанча министрликлари ва идораларига, ҳўкукини ҳимоя қилувчи органларига ҳам аниқ-равшан топшириқлар берилди.

Мажлисида республика давлат турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибиданги масалаларни муҳокама этишда Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Т. А. Ешимбетова, Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Бекқулбекова, Президиум аъзолари П. М. Абдурахмонов, Н. Н. Иванова, П. П. Мельников, Ш. Р. Мирсаидов қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими Б. Б. Випневский иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТўҒРИСИДА

Ўн биринчи қақирққ Ўзбекистон СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бугун, 9 апрель эрталаб со-

ат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон СССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 9 апрелда эрталаб соат 9 дан

30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР ТўҒЛАМИ

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасига қилган визити. 1988 йил 14—18 март» тўплами босмадан чиқди.

Тўпламга М. С. Горбачевнинг Белград, Люблян, Дубровникдаги расмий зиёфатларда, ЮСФР раҳбарлари ва сқушчинаси делегатлари

билан, Иво Лола Рибар номи машинасозлик бирлашмаси коллективи вакиллари билан учрашувларда сўзлаган нутқлари киритилган. Китобда Совет—Югославия декларациясининг тексти, расмий дўстона визитга оид бошқа ҳужжатлар ва материаллар берилган.

Тўпламини Сиевский адабиёт нашриёти чикарди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА МЕҲНАТ БАЙРАМИДА ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙЛИК

Ўзбекистон СССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номи тўқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалик химия заводи, Октябрь революцияси номи тепловоз-ремонт заводи, «Ўзбекметаллургстрой» трестини, «Чирчиксельмаш» заводи меҳнаткашларининг Москва шаҳар меҳнат коллективларининг 1988 йилининг 16 апрелида В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллигига бағишлаб коммуни-

стик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорларини областимизнинг барча меҳнат коллективлари тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

Област партия комитетини жойлардаги партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг илгор коллективлар ташаббусини муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларнинг В. И. Ленин туғилган

кунини байрам қилишга ва Бутунитифоқ XIX партия конференциясига таъйирларлик туфайли юзага келган меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, уларни коммунистик шанбаликка кенг жалб қилиш бўйича ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлари аҳолини кўриб чиқиб, ишчилар, хизматчилар, мутахассисларнинг коммунистик шанбалик кунини юксак меҳнат унумдорлиги билан ишлаш, маҳсулотни тежаб қилинган энергетика ва моддий ресурслар ҳисобига ишлаб чиқаришга яқдиллик билан иштирокчиларини таъкидлади.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилот-

лари бюроларига меҳнаткашлар коммунистик шанбалик кунини юқори самара билан ишлашлари, маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишига эришишлари учун уларни хом ашё, материаллар, комплектловчи буюмлар ва ёқилги-энергетика ресурслари билан таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўриш тасвия этилди.

Моддий-техника ва киши ресурсларини энг муҳим халқ ҳўжалик қурилишларида ҳамда социал-маиший ва маданий хизмат кўрсатувчи объектларда жамлаш керак. Қишлоқ меҳнаткашларининг диққат-эътибори қўллагми дала ишлари бутун комплек-

сини сифатли ва вақтида амалга оширишга қаратилмоғи зарур.

Шанбалик кунини ҳамма жойда маданий-оммавий ишлар, савдо, маиший ва транспорт хизмати юксак савияда йўлга қўйилиши, алоқа воситалари, мактабга-ча ёшдаги болалар муассасалари ишлаб туриши лозим.

Шанбалик область меҳнаткашларининг чуқур сиёсий етуклиги ва юксак онглигиндан далолат бериши, уларнинг социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллантиришнинг умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўлишга таъйир эканликларини намоён этиши лозим.

• Ягона сиёсий кун

ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон бутун мамлакат билан биргаликда қайта қуришнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг асосий мазмуни Совет жамиятини янада демократиялаш ҳамда туб иқтисодий ислохотни амалда бўлган чинамдан иборат. 8 апрель кун Ягона сиёсий кунда республикада бўлиб ўтган иқтисодий ва маънавий потенциални қандай қилиб тезроқ амалга ошириш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида гапирди. Сиёсий кун область, шаҳар ва район партия комитетлари белгилаб берган тематика асосида ўтказилди.

Сиёсий кун қатнашчиларининг диққат-этибори КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Гор-

бачев Ўзбекистон меҳнат коллективлари намоёндалари билан учрашуви чоғида бўлиб ўтган суҳбати мазмунига қаратилди. Суҳбатда бўлакак ишларнинг асосий йўналишлари, етилган муаммоларни ҳал этишга янги-ча ёндашувлар белгилаб берилган.

Масалан, Янгийўл меҳнат коллективларида «Ленинча-сига яшайлик, ишлайлик ва курашайлик». Оққўрғонда — «СССР халқлари дўстлиги — умумий мулкимиз» мавзусида суҳбатлар ўтказилди. Тошкентда сайлаб қўйилган партия, совет органларининг вакиллари, хўжалик раҳбарлари ўзларининг қайта қуришда қандай иштирок этаётганлари ҳақида гапириб бердилар. Докладчилар саноат кор-

хоналари, қурилишлар, қол-қозлар ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув yurt-ларида сўзга чиқиб, ишлаб чиқаришнинг интенсификация, хўжалик юртишнинг янги методларини жорий этиш, социал вазифаларни ҳал қилиш, социал адолат принципларини қарор топтириш йўллари ҳақида гапирдилар. Республикадаги маънавий психологик муҳитни соғломлаштириш, салбий ҳодисаларга қарши кураш эконимикада баъзи ижобий сил-жишларни сезиларли қилиб қўйганлиги таъкидланди.

Докладчилар юз бераётган ўзгаришларнинг муқаррарлигини таъкидлаб ўтидилар. Партия олдимизга қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун барча меҳнат коллективларида ижодкорлик қайфиятини

вуқудга келтириш, одамларга нисбатан юксак талабчанлиқни қўллаб-қувватлаш, меҳнат иттизомини ва технология иттизомини мустаҳкамлаш, демократия ва ошкоралиқни кенгайтириш, меҳнаткашларни ҳаётнинг ҳамма соҳаларини янгилаш жараёнларига фаолроқ жалб этиш зарур.

Бошқаришнинг демократиялаш, хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш резервларини ишга солиш, дейинчи докладчилар, ҳалдан ташқари катта бошқарув системасидан, бюрократизмдан қутилишга, хўжалик фаолиятидаги, социал соҳани ривожлантиришдаги катта камчиликларни тезроқ бартараф этишга имкоқ беради.

Ягона сиёсий кунда Бу-

туниттёфок ленинча коммунист шанбаликка тайёргарлик қўриш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Бу шанбалик В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллигига бағишланади. Докладчилар жуда кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, сайлаб қўйилган бошқа органларнинг аъзолари, совет ва мамлакат таъминотларининг, республика министрликлари ва идораларнинг раҳбарлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Кооперация: тажриба ва муаммолар

«ЎЗИМИЗНИНГ ГАЗОПРОВОД»

ЧИРЧИК ШАҲРИДА ТАБИИЙ ГАЗДАН
Фойдаланувчилар кооперативи
МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

Чирчиқда тажриба тариқасида бошланган синов муваффақиятли бўлди. Шаҳар аҳолисидан икки йил давомида газчилар ишдан шикоят қилиб баянган бирорта ҳам хат тушмади. Муҳим социал муаммо ҳал этилди — беш йиллик охиригача барча катта ва кичик кўчалар бутунлай газлаштирилди.

— Газ тармоқларини ривожлантиришга бутун беш йилликка бор-йўли 10 километр қувур ажратилди, — дейди «Чирчиқгаз» бошлиғи В. Григорьев. — Бу жуда оз, эҳтиёжimizнинг беш фоизини ҳам қопламайди. Одамларнинг ўз уйларини газлаштириш ҳақидаги аризаларига рад жавобини ёзавриб, тинкамиз қурди... Бундан икки йил олдин кўзда оқсоқоллар мени кўмир оморига олиб боришди. Одам шунчалик кўп эдики, қадам босиб бўлмади. Мана сизга, — дейишди улар, — кўз илгамас фирибгарликлар учун, кўмир билан чайқовчилик қилиш учун кулай шароит... Шундан кейин биз аҳволдан қандай қилиб қутилиш йўлини излаб бошладик. Бу йўлни ҳам топдик: истеъмолчилар кооперативини туздик.

«Союзгазгазпром» бирлашмаси бошлиғи чирчиқликларнинг фикрини эшитгач, таклифimiz ёзилган қорозга, тажриба тариқасида

рухсат этаман», деб имзо кечди.

Бу таклифнинг моҳияти нимада? Газлаштирилиши лозим бўлган кўчаларнинг аҳолиси кооперативга бирлашди. Умумий йиғилишда кооператив раисини, хазиначисини сайлайдилар. Уставини тасдиқладилар. Сўнг шаҳар ижроия комитетида рўйхатдан ўтказилдилар. Йиғилган маблағлар ҳисобига уларнинг ўзлари шаҳар архитектура бошқармасига архитектура-планлаштириш тошхирини юзасидан буюртма берадилар. «Гипрогаз» институтидан эса газ қувури ўтказиш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Сўнг базадан нақд пулга, ҳеч қандай қийинчиликсиз керакли диаметрдаги қувурларни сотиб оладилар ҳамда шундай ишлар қилиш ҳуқуқи бўлган бирор ташкилот билан шартнома тузадилар. Чунончи, ҳозирги вақтда «Сантехгазмонт» бошқармасига буюртма берилган. Ҳакам жиҳатдан унда кўп бўлмаган ишларни «Чирчиқгаз» бошқармасининг ўзи бажаради.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай кооперативлар мурожаат қилаётган барча ташкилотлар буюртмаларини бажонидил бажармоқдалар. Чунки бу фойдали: нақд фойда олинади, аҳолига тў-

ловли хизмат кўрсатиш плани бажарилади.

Асосий линия тайёр бўлиши билан, ҳар бир уйни алоҳида газлаштириш бошланади. Газ ўтказиш ҳар бир оилага, одатдагига қараганда 100—150 сўм қиммат тушади. Бироқ қачон газ ўтказиб беришаркин, деб йиллаб куттишмайди.

Яна бир нарсани айтиб ўтайлик: «Союзгазгазпром» қонун-қондаларига кўра, ҳар бир киши ариза берган кундан бошлаб камиди тўққиз ой (очиғини айтишдан бўлса, бу муддатларга жуда кам рўйи этилади) кутадиган бўлса, кооператив йўли билан бор-йўли тўрт ой ичида унинг уйига газ олиб кириб бериш мумкин.

Ўтган йилнинг кузига Юбилейна кўчаси аҳолисининг дастлабки кооперативни тузилган эди, 7 ноябрда 40 та хонадонда газ плиталари ишлаб бошладик. Шундан сўнг Кангли кўчасида ўнлаб километр газ қувури ётқизиляб, 200 та хонадон газлаштирилди. Бу йил планига кўра, 8 километр қувур ётқизиш ҳамда 500 та уйни газлаштириш мўлжалланган. Йигирма йил давомида шикоятлар келавериб, тинкани қуритган Эски Қилчўқ посёлкиси навбатда турибди.

Қайта қуриш туфайли очилаётган кенг имкониятларни ижодий муҳокама этиш чирчиқликларга республикада биринчи бўлиб шу беш йилликдаёқ шаҳарни тўла газлаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб катта социал муаммо ҳал бўлади.

Т. ДОҒЖИ,
ЎзТАГ мухбири.

Чирчиқ.

Туб ислохот одимлари

БҲЙРУҚ БИЛАН БҲЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Завод бошқармаларининг кираверишига илганган: «Бош асбосозлик бошқармаси, Тошкент асбосозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси», — деган вивескага ҳали кўз ўрғинамай туриб, бу ёзувни олиб ташлаш лозим бўлади. Унинг ўрнига бошқармасини қўйишди. Ҳикомиз ҳам худди ана шу ҳақда.

Тошкент абразив комбинатини «ямаш» (ҳа, худди «ямаш», чунки бу корхоналар бир-бирига ўзвий тарзда қўшилмаган эди) яхши натижа бермади. Министрлик буйруғи билан «бирорлашган» бу меҳнат коллективлари бир-бирларига қадрдон бўлиб кетишмади. Ҳар бирининг ўз ташвиши бор: бир амаллаб давлат буюртмасини бажариш керак. Буюртманинг ўзи ҳам кам-қўстисиз эмас.

«Хунари» ҳар хил бўлган заводларни бирлаштиришда бешка икки воқеа ҳам содир бўлди. Бундан бир йил муқаддам жамоатчиликнинг талаби билан абразив комбинатидаги монокурунт цехи ёпиб қўйилди. Кўпчилик тошкентликлар худди афсонавий алвастининг думидай бўлиб, ҳақда узаёла тушган зарарли газлар оқимини яхши эслашади. Ўша кезлар комбинат планини бажара олмайдиган бўлиб қолди. Лекин бу ўринда абразивчиларини мақбат қўйсак арзийди, улар чиқиндилардан буюмлар тайёрлаб, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, уларнинг турини қўлайтириб аҳволни ўнлаб олишди, ҳуллас, цех ёпилишидан қўйилган эънини қисман қоплашди. Ўша кезлар раҳбарлик қаватлари — СССР Ставоксозлик саноати министрлигида ҳам қайта қуриш бошланди. Бошқарувининг қўпол, кўп босқичли системаси бекор бўла бошладик. Маъмур системанинг сўнгги «иждоди»дан бири шу бўлдики, унинг буйруғи билан Тошкентдаги иккита абразив корхонаси Тошкентдаги асбосозлик заводи билан қўшилди. Бадавлатроқ бўлиб чиққан корхона уччала заводнинг ўртача ишлашини таъминлайди, деб ўйланган бўлса ажаб эмас. Тенгчиликка кўз тикиб ишлашганда шундай қилишавар эди.

Аммо бундай бўлмади, бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

— Қайта қуриш чоғида хаттолар ҳам бўлиши мумкин, — деди абразив комбинатининг бош инженери Ш. Камолов. — Аммо, ҳар қалай энди яна эски изга тушмаслиғимиз керак. «Лой қориб, офтобда қуриб» ясалган бирлашма бир маромада ишлаб олмаслиги бир йил ўтар-ўтмас аён бўлиб қолди. Абразивчиларнинг иши ўз йўлига, асбосозларнинг ўз муаммолари бор. Хуллас, икки томонга фойдали амалий ҳамкорлик бўлмади.

— Биз катта корхонанинг «паноҳига» ўтишга унча шовилганимиз йўқ, — деди асбосозлик заводининг директори М. Галлаутинов. — Оқибат натижада жўнгина устакхона бўлиб қолиш бизга маъқул эмас эди. Хайтовур бундай бўлмади. Биз мамлакатдаги турдош 36 завод билан биргаликда кўни кеча тузилган асбосозлик давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига кирдик. Бу катта имкониятлар яратди. Абразив комбинатининг буюртмасини эса бажонидил бажарамиз.

Асбосозлик заводининг келажиги аниқ, у келгуси беш йилликда кенгайди, бутун Ўрта Осиё учун база корхонасига айланади. Атрофини тўққиз қаватли уй-жойлар ўраб турган абразив комбинатининг корпуслари нима бўлади?

— Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида биз бозорнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишмиз шарт, — дейди Ш. Камолов. — У ерда эса браkning бозори касод. Экологик вазият ҳам ўз ҳукмини ўтказиб уй-жой районлари ҳавосининг ифлосланишига сира йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам биз Жиззах қўлидаги махсус майдонда монокурунт ишлаб чиқариш цехи қурмоқдамиз. У ерда ҳам ҳавонини булғатмайдиган мукамал технологияни қўлламоқчимиз. Бир йил мобайнида янгилаш ишлаш шунини кўрсатдики, шопи-пиша, иқтисодий ҳисоб-китобларга таянмасдан чиқарилган қарорларнинг умри қисқа. Бунини энди директорлар билан бир қаторда ишчилар ҳам уқиб олдилар.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

16 апрель
Бутуниттёфок
коммунистик
шанбалиги

БИР ЯРИМ
БАРАВАРДАН

11-«ВИСОТСТРОЙ» трест
17-қурилиш бошқармасининг Ўзбекистон ССРда хиз-

мат кўрсатган бинокор Аъламхон Узоқов бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Биринчи кварталнинг ҳар ойида пландаги 21 минг сўм ўрнига 45 минг сўмликдан ошириб қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди.

Бригада бундай ютуқларга кўп омыллар туфайли эришмоқда. Коллективдаги аксарият бинокорлар ўз касбининг усталари ҳисобланишади. Маҳоратни тинмай ошириш, турдош касбларни пухта эгаллаш, илгор иш усулларини қўлланиш ҳам

меҳнатдаги ютуқлар салмоқли бўлишига олиб келмоқда.

Илгор бригада аъзолари Коммунистик шанбалик кунини ҳам юқори меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритишга қарор қилишди. Шу кунини коллективнинг 18 аъзоси объектларда пландаги 900 сўм ўрнига 1 минг 400 сўмлик бунёдкорлик ишларини бажарадилар. Барча пайвандлаш ишлари тежалган ресурслар ҳисобига амалга оширилади.

Д. ОБЛАЕВ.

ЗАМОН ВА ЁШЛАР.

Комсомол ва қайта қуриш

ЧИНОЗ район комсомол ташкилоти ҳисобида 9 мингдан ортиқ йигит-қиз бор. ВЛКСМ XX съезди талаблари асосида ёшлар активлигини ошириш, бўш вақтин мазмунли ўтказиш юзасидан жойларда қандай ишлар қилинайти? Мухбиримизнинг бу саволига район комсомол комитетининг иккинчи секретари Андрей ЛЕВИН шундай жавоб берди.

— Район комсомол комитети ўз иш услубини ўзгартириб борапти. Аппарат ходимлари кабинет усулидан воз кечиб, ҳафтанинг уч кунинда бевосита бошланғич комсомол ташкилотларида бўлиб, ёшларнинг талаб ва истакларини чуқурроқ ўрганмоқдалар. Кейинги пайтларда биргина «Чиноз» совхоз-техникуми ёшлари билан уч марта учрашув ўтказдик. Фермада бўлган суҳбатга совхоз-техникум касабасоюз комитети раиси А. Макаримов ҳам таклиф этилди. У ёш чорвадорларнинг иш ва турмуш шaroитлари билан яқиндан таниди, нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашди.

Ҳозирги пайтда фермада янги бадиий ҳаваскорлик тў

рағи тузилган. Машгулот ўтказиладиган хона ҳам ажратилди. Мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда эса спорт майдончаси қурилди.

ликлар қилинди. Вагончаларда майнши хона, кутубхона ташкил этилди. Сауна қурилди. Спорт машгулотлари ўтказиладиган жой ҳозирланди. Бундай ғамхўрлик комбинат коллективи активлигини оширишга ёрдам берапти.

Шаҳар ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш чоралари ҳам қуриляпти. Улар учун видеотека ва ка-

моқда, хибонлар куй ва қўшиқларга тўймоқда.

Ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишда бизга интернационалчи жангчилар катта ёрдам беришляпти. Яқинда уларнинг слетини ўтказдик. Слетда запардаги ёш жангчилар Совети сайланди. Совет аъзолари армияга қақрилувчилар билан учрашиб, Афғонистон тупроғида ўз интернационал бурчини шараф билан адо этган қаҳрамон жангчилар ҳаётидан ҳикоя қилиб бермоқдалар.

Ҳасур жангчилардан бири ҳамшаҳримиз Бахтиёр Ғафуров эди. У душманларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ҳозир шаҳардаги 1 Май кўчаси унинг номи билан аталапти. Ўзи ўқиган 26-мактабдаги дружиналарнинг бирига ҳам Бахтиёрнинг номи берилган. Қаҳрамон жангчилар ҳақидаги ҳикоялар ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беришти.

СМЕНАДАН СЎНГ

Йигит-қизларнинг меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратилди.

Район комсомол комитети ходимлари ташаббуси билан қурилди материаллари ва конструкциялари комбина-тида ҳам бир қатор янги-

фе ташкил этилган. Бу ерда қизилари учрашувлар уюштириляпти. Марказий майдонда эса сценарий асосида тарихий саналар нишонланапти. Театрлаштирилган кўрсатувлардан сўнг оммавий сайлар бошлан-



● ТОШКЕНТ технология техникумида турли миллат ёшлари таълим олишади. Билим юрти озик-овқат саноати учун юқори маалака кадрлар тайёрлаб беради. Суратда: химия ўқитувчиси Ранса Федькина лабораторияда ўқувчилар билан амалий машгулот ўтказмоқда. Х. МИРЗАКАРИМОВ фотоси.

Охунбоев номи хибон барпо этишни таклиф қилдилар. Район комсомол комитетининг иккинчи секретари А. Озодов, номида ёшларнинг бу ташаббуси маъқулланди. Ҳозир хибон барпо этишга киришилди. Бу ерга 100 тупдан кўпроқ мева, 150 туп ананаслар, дархат кўчатлари, гуллар ўтказилди. Янги хибонда ёшларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайликлар яратилди.

Пискент район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Озодов,

ХОТИРА БОҒИ

ПИСКЕНТДА республиканинг биринчи президенти Охунбоев номи билан боғиқ жойлар кўп. У шу ерда истисолат қилган, районда коллективлаштиришнинг ўтказишга кўмаклашган. Ҳозир колхоз, касалдонлардан бири, мактаб, кўчалар Останин номи билан аталди. Бутунтинтоқ Ленин комсомолни ташкил этишнинг 70 йиллигига таъриғарик кўрилатган ҳозирги кўчаларда Фрунзе номи ва Ломоносов номи мактабларнинг ёзувчилари ахши ташаббуси бошлаб бердилар. Улар

ҚўЛЛАРИ ГУЛ

● ОЛМАЛИҚ корхоналарида меҳнат қилаётган кўпгина комсомол ёшлар рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида актив иштирок этмоқдалар. Коллектив аъзолари уларни билб қўли гул ёшлар дейишади.

Яқинда ёш рационализаторлар мусобақасига якуни ясалди. Олтин топган кон бошқармаси слесари З. Заволко шаҳарнинг энг яхши рационализатори деб топилди. Саноат-темирйўл транспорт ёш мастери В. Тимашев эса Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда ёшлардан тушган таклифлар ишлаб чиқаришга катта самара келтиряпти.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ТЕЛЕЎҚУВ БОШЛАНДИ

● ФАКУЛЬТЕТИММЗ студентлари учун яна бир қўлайлик яратилди. Улар ихтиёрига видеотека билан жиҳозланган хона топ-

ширилди. Диктофонлар, кўчма телестанция студентлар хизматида. Ҳар кунни ярим соатлик телевизион кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Кўрсатувлар программаларини студентларнинг ўзлари тайёрламоқдалар. Эндликда ётоқхоналардан махсус кўрсатувлар беришга ҳозирланмоқдамиз. Бу ишларнинг ҳаммасига теле-радио кафедраси ўқитувчиси доцент Анвар Каримов бошчилик қилмоқда. Бундан ташқари студентлар билимини синаш мақсадларида ҳар ойда конкурслар ҳам ташкил қилиняпти. Ижодий бахсда голий чиққанлар рағбатлантирилмоқда.

Х. ЯУЛДОШЕВ,
ТошДУ журналистика
факультети студенти.

КУЧЛАР БИРЛАШДИ

● ТОШКЕНТДАГИ «Кўча» ва «Оқтепа» маҳаллалари ёшларидан иборат махсус гуруҳга тузилди. Гуруҳга Москва Давлат университетини тамомлаб келган ёш мутахассис Бахтиёр Юнусов раҳбарлик қилмоқда. У ҳозир 40 дан ортиқ ёшларга бошдир.

Группа аъзолари ўз вазифаларини пухта биладилар. Улар иштирокида маҳаллаларга хотира тахталари ўрнатилди. Бешиқ юрганлар рўйхатга олинди. Энди ёшлар кучи билан спорт майдончаси қуриляпти.

Г. ШЕРМАТОВА.

АЪЛОЧИЛАР ҲИСОБИГА

● МАКТАВИМИЗ бошланғич комсомол ташкилоти ўз сафларини аълочи ва жамоатчи ўқувчилар ҳисобига кенгайтириб борапти. Яқинда 17 нафар ўқувчи ВЛКСМ сафига қабул қилинди. Ҳ. Бегимқулова, Ҳ. Бердибекова, М. Эргашева каби ёшлар берилган саволларнинг барчасига яхши жавоб бериб, ўз билимларини намойиш этдилар.

Х. ОТАҚУЛОВ,
Бекобод районидagi 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.



ЙИГИТЧАГА АЧИНДИМ

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 27 февраль сониде эълон қилинган «Бу — одобдан эмас!» мақолаи газетонларда катта қизиқиш уйғотди. Улардан редакцияга келаятган хатлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

✦ Чирчиқ шаҳридаги касалхонада ўзим ғувоҳ бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бир ўспирин кўп қаватли бино тағига келди-да, юқорига қараб Маъсуда деб чақирди. Аммо жавоб бўлмади. Бу ҳолни кузатиб турган уч-тўрт қиз ўспиринга қараб гап отишга тушишди: «Маъсудангиз чиқмаса, бу ерда яна битта Маъсуда топилади».

Йигитча истихола қилганидан уларга орқа ўгириб олди. Лекин, «э, уялдингизми, қиз боламиндигиз уялиб, бу ёққа қаранг» деган лўқмалар баралла эшитилиб турарди. Ўспирин охири чидай олмай, тез-тез нари юриб кетди.

Унга гап отаётган қизлар ўн уч-ўн тўрт яшар эди. Неге шу ёшлар ҳаёни йигитчириб қўйишдикин?!

Г. ИСМОИЛОВА,
Чирчиқ шаҳри.

ТИКАНДЕК САНЧИЛДИ

✦ Ногаҳон қулоғимга йигитларнинг «Ҳозирги қизларга ишонч йўқ!» деган сўзлари чалиниб қолади. Бу гап баданга санчилган тикандек бўлади.

Ўзим бир нарсасга ҳайронман, кечагина тўпла-тузув юрган қизлар шахарга ўқишга боришлари билан дарров юриш-туришлари ўзгариб қолади. Бир кун қарасанг сочларини қиркиб ташлашди, эртасига кўпчилик тўпланган жойда ўзларига ортикча эрк беришди. Бунини ўзларича ҳатто эркинлик, тенг ҳуқуқчилик аломати, деб ҳисоблашадилар. Шундайларга ачинасан...

Н. ДАДАБОВА,
Бўка райони.

КўНГИЛНИНГ КЎЧАСИ КЕНГМИ?..

✦ Мен ҳунер-техника билим юртида ўқийман. Баъзи ота-оналарнинг онгига бу ердаги қизлар ёмон ҳулқи деган фикр ўрнашиб қолган. Беш қўл баравар бўлмаганидек орамизда ўзига ортикча эрк бериб юборганлар ҳам топилади. Лекин бунга билим юрти, бу ердаги муҳит сабаб эмас.

Қизлар ҳулқининг бузилиб кетишида ота-оналарнинг айби катта, деган фикрдаман. Улар эркакларни ашлагидан талтайтириб юборадилар. Кейин эса ҳамма айбни мактабга тўнкайдилар.

Бу муаммоларни ошқорла муҳокама қилиш учун бизда ҳам марказий телевидениедаги «... 16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатув ташкил этилса, деган таклифим бор.

С. ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳри.

• ДУГОНАЖОНЛАР •

«КУНДАЛИК қийин ишларимиз орқасида биз аёлларнинг оналик, бекалик роли билан, унинг болаларни тарбиялаш соҳасидаги ҳеч нарсасга алоқаси бўлмайдиган вазифалари билан боғлиқ ўзига хос ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини назардан қочираёзди. Қурилишда, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳасида, фанда банд бўлган, иккунда ишга шўнғиб кетган аёлларнинг турмуш билан боғлиқ энг оддий ишлар — уй-ўйғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва шунчаки оилада қўлайлик яратиш учун вақтни етишмай қолди. Маълум бўлишча, кўпгина кулфатлар — болалар ва ёшларнинг ҳуқуқидаги, ижтимоий ахлоқ, маданият масалаларидаги, ҳатто ишлаб чиқаришдаги кулфатлар ҳам оиладаги алоқалар бўлашиб кетганлиги, оилавий бурчининг қадри-сангланганлиги билан боғлиқдир.

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва янгича фикрлаш. Мамлакатимиз ва бутун дунё учун» китобидан).

Телефон трубкасини кўтаришим билан энг яқин дугонанинг овози эшитилди: — Вақт толиб бир келиб кетсанг.

У шахримиздаги касалхоналардан бирининг адрасини айтди.

Ҳафтанинг биринчи кунин. Редакцияда иш қўп, югур-югур бўлишига қарамастан тушлик маҳали касалхонага йўл олдим. Ҳаёлимни эса «унга нима бўлди-яна!» деган савол чулғаб олди.

Дугонам касалхонанинг юрак касалликлари бўлимида ётган экан. Мени кўриши билан елкамга бошини қўйганча йўғлай-верди. Ҳамшира тинчлантирувчи укол қилгандан кейингина сал ўзига келди.

— Дардимни сенга айтмасан, кимга айтмаёи? — дея гап бошлади у. — Биласан, ака-укалар ўз йўлига, Борди-ю, онамга билдирсам, ўзлари отамнинг вафотидан сўнг зўрга юрибдилар. Менинг ғамимни кўтара олмайдилар. — Дугонамнинг юраги ана ҳужури қила бошлади. Қолган гаплари эса ҳамширадан эшитдим.

Хуллас, дугонанинг мен «фаришта», деб ҳурмат қиладиган эри айбдор экан ҳаммасига. У хотинини қўпол сўзлар билан бўлар-бўлмагача ҳақорат қилар, ишдан сал кечикиб келса, «қаварда, ким билан эдинг?» деб дўппосларкан. Охири, улар ўртасидаги муносабат шу даражага бориб етибдики, эр ўз хотинини «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» дейдиган бўлиб қолди. Дугонам буларни ҳеч биримизга билдирмас, «тўрт фарзандимнинг отаси-ку, инсофга келиб қолар», деб дардини ичига ютиб юрарверкан. Эри эса бир кун бегона аёлни уйга олиб қолди... Устига-устак ўзининг ўн беш йиллик хотинини «бузуқсан», деб ҳақоратлагандан сўнг дугонанинг юраги ёмон бўлиб, шу тўфайли касалхонада ётган экан.

Дугонам билан эрини студентликдан билмаган. Иккалови ҳам колхозчи оиласидан. Ҳозирги кунда нимагаки эришган бўлишса, ҳаммаси ўзларининг ҳалол меҳнатлари тўфайлидир. Айниқса, дугонам тиним билмайди, қўйди-пишди. «Эрим кандидатлик диссертациясини бировга сарғаймасдан ҳимоя қилиб олсин», «болаларни бошқалардан кам эмасин, дурустроқ қийинсин», деб яқин-яқинларгача ўзининг эғни-бошига қарамаган. Тўғри, унинг эрини бутунлай ёмон деб қораламоқчи эмасман. Лекин ҳар ҳолда ўн беш йил бирга яшаган эр-хотин бир-бирининг майда камчиликларини кечириб юбориш ўрнига тирноқ остида кир қидиришлари инсофдан эмас. «Энди фақат болаларим учунгина яшайман...» дейди дугонам. Яхшиямки, у болаларга кераклигини, улар ўз оналарисиз бахтиёр бўлмасликларини яхши тушунади. Акс ҳолда, бирон қорин-қол юз бериши ҳам ҳеч гап эмас.

— Ҳозир «юрмаган» эркекнинг ўзи йўқ, — дейди даволовчи врач. — Дугонанингга тушунтириш, феълини кенгроқ қилсин. Бирор жойга арз қилдиган бўлса эридан ажралади. Икки ўртада гап-сўз қўйганига қолди, ҳолос. Қўзимга у врач эмас, жоним бўлиб қўриқди. Бемалум гаплари ҳафсаламни пир қилиб юборганидан юзига қарашга ҳам тоқатим қолмади...

Дугонамнинг оилавий фожияси сабаб, бизнинг социалистик жамиятимизда аёллар билан боғлиқ кўпгина муаммолар ҳақида фикр юритдим. Нима учун кескалар «егенинг олдинда, емаганинг ортингда» деб таърифлайдиган фаровон замонамизда аёл қадри-қиммати паст? Неге эркеклар истаган ишини қилиши мумкин-ку, ишдан ярим соат кеч қайтган аёлни ҳақоратлаш керак? Ишлаб чиқаришда эркеклар билан баравар меҳнат қилётган, бола туғиб тарбиялаётган аёлнинг қадри шунми?

Менимча, бунинг туб сабабларидан бири — хотин-қизларнинг оиладаги ва ишлаб чиқаришдаги роли тўғри белгиланмаганлигидир. Чунончи, адашмасам беш-олти йилдан бери аёлларга ҳар томонлама тўлиқ шараф яратиб бериш ҳақида дабдаба билан ёзмамиз, минбарлардан баландпарвоз қилиб гапирамиз. Аслида-чи! Партия ва ҳукуматимизнинг аёлларга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги қарорлари қайси қорхонада тўла амалга оширилди? (Бола туғилганда уни тарбиялаш учун бериладиган икки йиллик отпуски ва бир йил давомида оёғига 35 сўмдан қисман маош тайинлаш бундан мустасно). Оналар ва болалар сентаторийлари, дам олиш уйлари етарлими? Улар учун қисқартirilган иш кунини ва соатлари эса қозғоьда, ҳолос. Ўзингиз ўйланг, соат 10 дан иш бошлайдиган аёл тўққизда уйдан чиқиб кетади. Иш вақти кечкурун 19 да тугагандан сўнг 20—20.30 да уйига кириб келади. Шошилиб оват қилишга уринишди. Болаларга қарайди, уй йиғиштиради. Ана энди тасаввур қилинг: эрталаб уйдан чиқиб, кечкурун қайтган аёл қачон болалар тарбияси билан шуғулланади-ю, қачон журнал-газета ўқийди? Ҳар бир ишхонада мавжуд партия ва комсомол ташкилотлари ҳамда касба-союзулари икки имкониятлардан келиб чиққан ҳолда аёлларга бирор соат кеч келиб, эрталоқ кетиш имкониятини яратиб бериши мумкин-ку! Акс ҳолда улар ишга сал кечикиб қолса раҳбардан, уйга кеч қайтса эрдан

майдонда ташкил этилган, жамъи 22 гектар мевали боғлар ва узумзорда етиштирилган маҳсулотлар фақат боғча болаларига берилади.

— Аёлларнинг турмуш шароитини кўп болалар бўлиш ҳам оғирлаштиради, — сўхбатимизга қўшилади район Совети депутати, Карл Маркс номидаги партия ташкилот секретари, ижроия комитет қошидаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссияси раиси К. Алимова. — Мен аёлларнинг кўп туғишларига қарши эмасман. Лекин ҳар ҳолда оиладаги реал шароитни ҳисобга олиш, моддий томонини ҳам ўйлаш, болаларни соғлом ўстириш, вояга етказиш, тарбиялаш, эҳтиёжларини қондириш, энг муҳими, билимни, ҳунарни, маънавият ва жамиятга муносиб тарзда етиштириш нуқтаи назардан ёндашиш ҳаётий заруратдир. Масаланинг бу муҳим жиҳатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Чиндан ҳам К. Алимованинг фикрларида жон бор. Қолаверса, биргина Чинозда эмас, балки областимизнинг барча райоиларида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза этиш, мактабгача болалар муассасаларини қўйиштириш, аёлларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш, уларнинг турмушдаги юмушларини енгиллаштириш масалаларини ҳал этишда муаммолар ҳали жуда кўп. Бунинг устига оиладаги эркекларнинг муносабати ҳам биз аёл-

сени қутиб ўтирмаган, деб бошқа бир аёлга уйланиб кетди. Нима қилишимни билмай қолдим. Бирор йўл-йўриқ кўрсатсангиз... — Уй-жойи, бола-чақаси учун ўзини фидо қилган бу аёлга қандай йўл кўрсатишга ҳам ҳайронман. Унинг дардига шерик бўлишдан ўзга чорам йўқ.

— Аёлларнинг, айниқса, қишлоқ хотин-қизларининг оғир меҳнат билан банд бўлишлари оилага ҳар томонлама путур етказмоқда, — дейди республика Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти профессори, медицина фанлари доктори Мухтарова опа Содиқова. — Машхур социолог ва демограф олими И. В. Бестужев-Лада ўзининг «Бизнинг эртанги кунимиз» китобида қўйидагиларни ёзади: «Қадам вақтларда она ўзига хос «қорхона», «клуб», «мактаб», «туғруқхона», «поликленика» ҳамда «дорихона» каби муҳим тарбиявий вазифаларни бажарган. Оиланинг мана шу погонларидан ўтиб вояга етган болалар ҳар томонлама камол топган етук шахслар ҳисобланган. Ҳозирги вақтда она ўзининг ана шу функцияларини бажараяптими? Яширишининг ҳолати йўқ, болаларимиз мактабда ва кўчада тарбияланишяпти. Ҳафтанинг олтидан беш қисминини ўзига ўтказган болага ота-она дам олиш кунлари қанақа тарбия бериши мумкин? Эътиборингизни ана бир нарсасга қаратмоқчиман: Урта Осиё республикалари болалар ўлими бўйича СССРда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, Ўзбекистонда туғилган ҳар минг боладан 46,2 нафари нобуд бўлмоқда. Ушбу рақам Литва СССРда 11,6 ни ташкил этади. Ўртадаги катта фарқ сабабларининг илдизи яна аёлларимизнинг оғир меҳнати ва шараф масаласига бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, сўнгги йилларда арзимаган сабаб-баҳоалар тўфайли содир бўлётган қўйди-чиқидлар, борган сари кўпаяётган тирик етишлар ва тарбияси оғир болалар, эркекларнинг уйдан кўра кўпроқ кўча ҳаётига меҳр қўйишлари, аёлларнинг бераварт қариб қолишлари, ниҳоят камдан-кам бўлса-да, уларнинг ўз жонига ҳасд қилиш ҳоллари ҳам қисман хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги ва оиладаги роли етарли баҳолашмаслиги, уларнинг маънавий камситилишлари оқибатида содир бўлаяпти. Назаримда бундай қийин аҳволни ўнглашнинг икки йўли бор: биринчиси — партия ва ҳукуматимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилаш ҳақида чиқарган барча қарорларга қатъий амал қилиниш шарт. Қисқартirilган иш кунлари, иш соатлари, касалликнинг кенг ривожлантириш кабилар ана шундай имтиёزلардандир. Шунингдек, хотин-қизларни иложи борида тунги сменада ишлашдан озод қилиш ҳақида жиндийроқ қайғуриш зарур. Иккинчидан — эркекларимиз ишдан бўш вақтларида, дам олиш кунларида аёлларимизга уй-ўзғор ишларида қўлларидан келганича ёрдам беришса. Албатта, биз улар кир ювсин, овқат пиширсин, демоқчимасмиз, демаймиз ҳам. Масалан, хотин овқат тайёрлаш билан банд бўлган чоғда эркек болаларга дарс тайёрлатса қандай яхши. Ахир шу ҳам аёлга ёрдам-ку. Еки дам олиш кунинда у ўз улфатчилигидан воз кечиб, оиласи билан кинога, театрга бурса, биргаликда маданий ҳордиқ чиқаришса, бунинг нимаси ёмон!

Ҳурматли эркеклар! Бу мақолада сизларни умуман, ёмон отлик қилиб, хотин-қизларни осмонга чиқариб қўймоқчи эмасмиз. Аксинча, уйим-жойим дейдиган, хотини ва болалари ҳақида қайғурадиган, ҳар бир ишда турмуш ўртоғига мадад бериб яшайдиган эркеклар жуда кўп. Биз улар ҳақида ҳаммиса фахрланиб гапирамиз. Бирок, шунга қарамастан кейинги йилларда хотин-қизлар асосан ишлаб чиқариш ва уй-ўзғор ишлари билан ўралашиб қолишяпти.

Ҳаётимизнинг барча жабҳасида қайта қуриш ва янгиланиш бошланган бугунги кунда, инсоф билан айтинг-чи, сиз — азиз эркеклар, аёллар ҳаётида бирор ўзгариш сезяпсизми? Ўзингиз ота, эр, ака ёки ука сифатида уларнинг оиладаги юмушларини енгиллаштиришга қандай ҳисса қўляпсиз? Менимча кўпчилик эркеклар ана шу саволга дадил жавоб бера олмасалар керак. Демак... Келинг, ҳаммамиз биргаликда, аёлга МЕҲР берайлик, ардоқлайлик, уни маънавий қашшоқликдан асрайлик. Токи у ҳамма нарсадан қўл силтаб «Болаларим учунгина яшайман...», дейдиган бўлиб қолмасин.

Гулчехра ЙУЛДОШЕВА,
шоира.

Эркекларга очик хат

АЁЛЛАРГА
ОСОНИНГ
ТУТМАНГ

гап эшитиб асаблари бузилиб бораверадилар ва қачонлардир «портлайди». Бундай «портлашлари» кейинги вақтларда уларнинг ўз жонларига ҳасд қилишлари билан тугаган ҳоллар ҳам бўлди.

Масалан, бир жиндий - муаммони олиб кўрайлик: оналик ва болаликни муҳофаза қилиш энг оқсавтган соҳалардан биридир. Областиимизда ҳам худди шу аҳвол. Бу ҳақида қарор ва кўрсатмаларнинг амалга оширилмаётганлиги аёлларнинг шароитини янада оғирлаштиради. Муҳим социал масалалар, жумладан, болалар учун медицина муассасалари қуриш, дам олиш уйлари, турли профилакторийларни қўйиштириш масаласи жиндий муаммо бўлиб тургани ҳеч кимга сир эмас. Мактабгача болалар муассасаларининг етишмаслиги, аниқроғи жуда камлиги, ҳали уларнинг сонини туғилаётган болаларга нисбатан денгиздан томчи эканлигини изохлашнинг ҳолати бўлмаса керак. Мана, айрим рақамларнинг мағзини қақайлик: областимизнинг биргина Чиноз районинда 15 минг 916 нафар боғча ёшдагилар боладан фақат 6081 нафари боғча ва яслиларга жойлаштирилган, ҳолос. Сўнгги ўн йил ичида эса 140 ўринли атигим... битта боғча биноси фойдаланишга топширилган! Мавжудлари ҳам асосан мослаштирилмаган эски биноларда.

— Иложи борида аёлларга қўлайликлар яратиш учун ҳаракат қилаёмиз, — дейди район Совети ижроия комитети раиси Э. Собиров. — Шу пайтгача колхозчи аёллар учун иш вақтининг чегараси йўқ эди. Бу йилдан бошлаб улар учун меҳнат кунини минимуми белгиланди. Бунда биринчи навбатда оиладаги болалар сонини ҳисобга олинди. Чунончи, меҳнат минимуми бештагача болали аёллар учун 170, ундан орттиқ болалари бўлган аёлларга эса 150 кун қилиб белгиланди. Болаларни ёшлиқдан соғлом ўстириш, уларни витаминли озиқ-овқатлар билан таъминлаш мақсадида барча боғча ва яслиларда теплицалар қурдик. Бу ерда резавор ва ошқўйлар етиштирилади. Ҳар бир ҳўжаликда уч-тўрт гектар

лар орзу қилганчалик эмас, ҳали. Шу ҳусусда фикримни очик ўртага ташламоқчиман.

Очилини айтиш керакки, болалар тарбияси ва рўзгор юмушлари асосан аёллар зиммасида. Ҳафтанинг беш кунини ишхонада ўтказган аёл, шанба ва якшанба кунлари уй йиғиштиради, кир ювади, меҳмон кутади. Хотинига қайишиб, унга рўзгор ишларида ёрдам берадиган эркеклар эса жуда кам.

Умуман, аёлга нисбатан ҳурматни ўғил болаларнинг онига ёшлиқдан қўймоқ керак, деб ҳисоблайман. Ўғлим рус боғча-синода боради. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Саша исмли бола ўзининг группасидаги қизчани урган экан. Тарбиячи «нелъзя девочку обижать, ты же мужчина», деб болага танбўх бериб, уни қизчадан кечирим сўрашга мажбур этди...

Бизда баъзан жамоат транспортда, кўча-кўйларда, кўп қаватли уйларнинг довчиларида ўн беш-ўн олти ёшдаги ўспиринлар жимгина кетаётган қизларни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишади. Ҳаттоки ўзаро ғижиллашиб қолишса, бир-бирларини энг ярамас сўзлар билан сўкадилар. Бунини эшитиб турган катта ёшдагилар эса ўзларини кўриб кўрмасликка олишади. Кўпгина оилаларда эрлар хотинларини бемалол ҳақоратомуз сўкишга ҳатто кўникиб ҳам кетганмиз. Автобусда ишга кетаётган, икки ўспириннинг сўхбати беихтиёр қулоғимга чалиниб қолди. Ун етти-ўн саккиз ёшдаги қизлар «подприлавка», йигирма ёшдагилар эса «макулатурлар», деб ҳаёсизларча шанғиллашарди. Ана энди шу йигитлар уйларида сўнг хотинларига қандай муносабатда бўлишларини ўзингиз билиб олаверинг.

— Менинг ишим икки сменали эди, — деб ёзади редакцияга хат йўллаган С. исмли аёл. Кечки сменада (соат 16 дан 24.00 гача) ишлашнинг эримга ҳеч ёқмади. Ишдан бўшаб кетай десам, учта болам бор, моддий томондан қийнаиб қолишимизни билмаган, Охири эрим тоқайгача ишдан келиб

• ДУГОНАЖОНЛАР •

• ДУГОНАЖОНЛАР •

Социал масалалар бўлимида

ЗАРДАЛИ ХАТЛАР

25 СЎМ ДАРДИДА

♦ ЯҚИНДА тасодифан болалик ўртоғим Рустамни учратиб қолдим. Бир йил олдин уйланган, шундан бери кўйишмагандик. Гап орасида фарзанд кўрдилариники, деб сўрадим. У ҳа, фарзанд ҳам кўрдик, дея хўрсиниб қўйди. Сўнг, лекин фарзандимиз бироз ногирон бўлиб туғилди, деб ерга қаради. Ҳижолат билан сабабини сўрадим. Унинг руҳан тушунлиққа тушганлиги кўриниб турибди. Синиқ кайфиятда сўз бошлади: «Эй, дўстим, дўхтирлар аризмадан 5—10 сўмни деб ҳомиладор аёлларни сарсон-сарғардон қилишар экан. Бу эса... дахшатнинг ўзиниси, бошқа нарса эмас...»

Турмуш ўртоғимни декрет отпусчасига чиқиш вақти келган эди, — дея давом этди у бир хўрсиниб олган, — Поликленикага бирга олиб чиқдим. Анча наъбат кутдик. Врач қабулдан чиққач, Рустам ака, декретга чиқиш вақти бироз ўтиб кетган бўлса ҳам, врач, ҳали вақт бор, дейпти. Мана, йўллама ёзиб берди. Район марказига бориб қон топириб, комиссиядан ўтказилган.

Мен ишга бормасам бўлмайди, ўзинг бир амаллаб бориб келарсан, дедим. Комиссия хулосасини олиб келиб топирибди. Унда декрет отпусчасига рухсат берилган экан.

Врач бир-икки кундан кейин чиқарсиз, дебди. Айтган кунда чикер, комиссиядан ўтганлиги ҳақида справкани йўқолган эмиш. Кимдир билмай ташлаб юборган бўлса керак, дебди врач.

Зўрга бориб келувдим, яна қандай қилиб бориб келаман, яқин бўлса ҳам майли эди, деб ҳасрат қилса, врач «25 сўм берсангиз, майли сиз

учун ўзим тўрилаб бераман» дебди. Хотинимга бу гап оғир ботган. Нимани тўрилаб берсиз, мен ўғиллик қилибманми, ҳомиладор бўлсам, декретга чиқиш муддати ўтиб кетган бўлса, 25 сўм дардида мени шунча овоза қиласизми, ҳали туғилмаган болани харом-харишга аралаштиряпсиз-ку, майли, эртага бошқадан комиссиядан ўтиб келаман, деб аччиқ устида чиқиб кетган.

Эрта билан яна марказга отландим. Автобус тикилдик экан, бир одам жўй бўлатиб, ўтириб деб турганда бекосдан автобус тормоз берибди, шунда қаттиқ эзилган бўлса керак, оғриқдан чидамай хушдан кетибди. Яхши одамлар борака топсин, ўзинга келгач, комиссия бўладиган жойга олиб бориб қўйишди. Комиссия справкани поликленикага олиб бориб берди. Уни кўриб энаси қотган гинеколог-ардмачиси декрет қозонини зўрга ёзиб берди. Автобус воқеаси туфайли бўлса керак, фарзанд вақтига етмай чала туғилди. Умуман, бундай қаллоблик поликленика ходимларига теккан касал экан. Аёллар декретга чиқиш олдидан бирон нарса чўзишмас атайлаб сарсон қилишаркан. Бюллетень беришда ҳам шундай. Соғ одамлар дам олиш учун пул билан осонгина бюллетень оладилар, беморлар эса овоза-сарсон, асабийлашиб қайтавердилар...

Мен Рустамнинг алам, изтироб билан сўзлаган ҳикоясини эшитиб, даргазаб бўлдим. Нахотки қайта қуриш амалга оширилаётган адолат, ҳақўйлик шомоли эсётган бир пайтда яна шундай аҳвол ҳукм оурса? Бу воқеа Калинин районини содир бўлган, келтирилган факт ҳали исботланмагани учун адресини аниқ айтмадим. Зеро, бу факт нафақат Калинин районинда, балки кўпгина даво-

лаш муассасаларида учраб туришини ҳаммамиз билемиз. Ажаб эмаски, бу мақолани ўқиб, айрим ана шундай таъмагир кишилар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишса.

М. ҒАФУРОВ,
Калинин райони.

ЁШГИНА КЕТДИ...

♦ ХЎРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

Ушбу хатни ёзишга кўп уннадим, бир-неча марта ёзиб, кўнглим тўймай йиртиб ташлайвердим. Марҳуманинг онаси, яъни менинг опамнинг уйларига ҳар гал борганимда «гулдек фарзандим нобуд бўлиб кетаверадимми, аламузтирбодан кутула олмаганман, қанча хат ёзиб берасан, деб сўрайверадилар. Хуллас ёзаялман».

19 ёшли жияним Насиба Холбоева врачларнинг лоқайдлиги туфайли бевақт оламдан кўз юмди. Тахминан ҳомиладорлигининг 33—34 ҳафтасида қоринининг ўнг томонида оғриқ борибдиган, иштасини йўқлигидан шикоят қилди. Шундан сўнг Тошкент район тугруқхонасига даволанишга ётқизилди. У ерда врачлар «боланг кўндаланг туриб қолган, шунинг оғриги» дейишган ва даволанган. Кўзи ёрийдиган пайт келганде район тугруқхонаси беркирилганлиги сабабли педиатрия институтига ётқизилди. У ерда «сиворотиний гепатит» диагнози қўйилиб, 1-юқумли касалликлар шифохонасига юборилди. Ревенизация бўлимида бир ҳафта ётиб, 1987 йилнинг 7 декабрида вафот этди. Насиба 20 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Гўдаги чирқираб етим қолди.

Албатта, бу шикоятни йўлаганим билан Насиба тирилиб келмайди. Лекин районда бундай воқеа биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Айрим малакесиз врачларнинг айби билан ҳаётдан бевақт кўз

юмаётганлар, етим қолган болалар оз эмас!

Мазкур тугруқхонада операция қилинган оналарнинг ҳаммасининг ҳам сиҳат-саломатлиги кейинчалик яхши бўлиб кетавермади. Бу тугруқхонадаги айрим врачларга ишонмай марҳума Насибанинг опасини тилхат ёзиб операция столидан олиб кетганман. Шаҳардаги 2-туғруқхонада соғ-саломат кўзи ёриган. Иккинчи фарзандини эса район тугруқхонасига операция қилиб олишди. Ҳали-ҳали қоринда оғриқ борибдиган шикоят қилади. Биз эса унинг шу ерга тушиб қолганидан афсусланамиз.

Бундай тартибсизликлар қанчалик давом этади! Айрим медицина ходимларининг нуноқлиги туфайли оналар бутун умр азобда юрадилар. Нима учун фабрика, завод, турли корхоналарда сифатсиз маҳсулотлар бракка чиқарилади-ю, лекин жамиятга катта зарар етказётган медицина ходимлари бракка чиқарилаётган!

У. ТОШМЕТОВА,
Тошкент районидagi 9-мактаб ўқитувачиси.

БУНАҚА ОТА КЕРАКМАС!

♦ 1979 ЙИЛ баҳори эди.

Отам кайфиятлари бузилган ҳолда уйга кириб келдилар. Бирдан онамга бақириб, уриш-жанжал қилиб, жаҳл билан уйдан чиқиб кетдилар. Мен ўшанда 9-синфда ўқирдим. Кечга яқин мактабдан келсам ойим уйда йўқлар, шифохонага олиб кетишди. Отам ойимни савалаб, қилар иш-ни қилиб қўйиб, ажрашман деб судга кетибдилар. Орадан уч ой ўтгач, суд ажрашиш

ҳақида қарор чиқарди. Биз олти бола онамга қарам бўлиб қолдик.

Онаизоримиз бечоранинг юраги адоий-тамом бўлган. Лекин минг раҳмат, қоврилиб бўлса ҳам бизни боқиб катта қилдилар.

Йиллар ўтди. Икки опамни узатдик. Мен Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтдим. Ҳозир Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг кечки тайёрлов бўлимида ўқияман. Бир синглим педагог, яна бири 10-синфда, кенжа укам 3-синфда ўқияпти.

Онамиз ёниб-қуйиб бизни оёққа турғизди. Энди тинчиб қолдим, дастларим ёнимага кирди деганларидан... яна бир зарб чиқиб қолди.

Уч амам бор. Улар ойимни ҳол-жонларига қўймай, ҳар кун келиб, ўкамиз шу болаларнинг отаси-ку, бегона эмас, уйига қайтсин, деб ширинсўз бўлишяпти. Ҳўш, аммажонлар шу пайтгача сизлар ва отамиз қаерда эдингизлар?!

Онамиз бечора озмунча азоб чекдим? Нега биз учун нихоятда оғир ўша даврда сизлардан биронтангизнинг ёни отамизнинг эсига келмади? Энди эса умр бўйи машаққатдан боши чиқмаган онамизнинг бундан буён тинч, тўкин-сочин яшашларини истайми?

Очигини айтганда, отамиздан кўнглимиз совиб кетган. Энди бирга яшашни тасаввур ҳам эта олмаймиз. Бизни тинч қўйинлар!..

Ҳўрматли редакция! Мен бу хатни ҳаяжонлиб ёзётганим ёки ёшлигим учун балки нотўғри фикрлаётган бўлишим мумкин. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тогган, ақли расо кишилар бу қороримга нима дейишаркан! Лекин яна тақдор эслатаман, отамиз бизга етти ёт бегонадек бўлиб қолган.

Р. АСҚАРОВ.

ЗАРДАЛИ ХАТЛАР

ТАНҚИДГА ТЕСКАРИ МУНОСАБАТ

Калинин районида чиқадиган «Ленинча» газетаси саҳифаларини арақлаган киши меҳнат коллективларининг қайта қуриш йўлидаги изланишлари, нисон омилли, социал ҳаёт ва бошқа соҳаларда қўлаб босилган мақолаларни ўқини мумкин. Лекин уларнинг қўнчилиги қуруқ мақтовлардан иборат бўлиб қолмоқда, медицина хизматига доир мақолалар жуда юзак, бўш. Материалларнинг таъсирчанлиги учун курашмайди. Шунинг учун ҳам қатор танқидий чиқишлар жавобсиз қўлиб кетган.

Газетанинг 17 февраль сонинда босилган юқоридаги мазмундаги обзорга район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Хайдуrowдан жавоб олинди. Унда мақола газета редакцияси коллективларнинг очик партия мажлисида ва район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинганлиги айтилди.

Район партия комитетининг бюроси «Ленинча» га-

зетаси саҳифаларида босилаётган танқидий материалларнинг таъсирчанлигини ошириш учун район партия комитети хусусан пропаганда ва агитация бўлими редакция коллективига амалий ёрдам бериётганлиги тўғри кўрсатилганлиги тан олинган.

«Ленинча» район газетаси фаолиятига етарли партиявий раҳбарлик қилмаганли-

тини мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этинга киришганлар.

«СУЮНЧИ БЕРИНГ, ЎҒЛИНГИЗ КЕЛДИ»

Совет Армияси сафидан қайтиб келатган солдатларни уйларига элтиб қў-



ги учун район партия комитетининг секретари З. Хакимова, пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ш. Муҳаммаджонов ўртоқлар оғоҳлантирилган.

Жиддий камчиликларга йўл қўйгани, ходимларга нисбатан талабчанлиқни сусайтириб юборганлари учун газета редактори коммунист Х. Қўямов, редакция партия ташкилотининг секретари М. Ботиров ўртоқлар партиявий йўл билан жазоланганлар.

Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳамда редакция коллект-

ивинг, улардан суюнчи тарзиде ортиқча пул олаётган нопок ҳайдовчилар газетанинг 20 январь сониндаги бир танқидий мақолада тилга олинган эди.

Область ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари А. Ведерниковдан олинган жавобда мазкур мақола бошқармада тегишли бўлимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги кўрсатилди.

Область ички ишлар бошқармаси ана шунга ўхшаш ўз манфаати йўлида давлат автомашиналаридан фойдаланаётган ҳайдовчиларни фож этиш учун қатор чо-

ралар қўрапти. Ўтган 1987 йил ва шу йилнинг 2 ойи мобайнида автотранспорт воситаларидага ҳайриқонуний йўл билан фойдаланган 1300 га яқин ҳайдовчи аниқланган. Уларнинг 804 нафарига онд иш қўриб чиқиниш учун тегишли меҳнат коллективларидаги ўртоқлик судларига ҳавола қилинган. 356 ҳайдовчинга жарама солинди. 102 ҳайдовчи автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Тўрт ҳайдовчи устидан жиноий иш қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

«КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?»

Газетанинг 18 февраль сонинда босилган юқоридаги сарлаҳали танқидий хабар Тошкент шаҳар «Техслобитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасида қўриб чиқилган.

Бирлашма директори А. Азиев томонидан редакцияга юборилган жавобда айтилинича бирлашманинг Октябрь район бўлими ходимлари Форобий қўчаси, 43-уйда яшовчи С. Усмоновнинг «Помир» маркали ҳодидлигини тузатиб бериш-

ХАҚЛИ ТАЛАБ

ОХУНБОБОВЕ номли колхоз территориясига жойлашган аёллар консултацияси Тошкент районининг кўп участкаларига хизмат кўрсатади. Хусусан, бу ерга Навоий, Генерал Раҳимов номли колхозлардан, Келес шаҳридан аёллар катнашади. Консултацияга баъзан врачларнинг тавсиясига қўра нонушта қилмасдан келиш керак. Аёллар консултацияси биносининг хоналари, коридорлари торлигидан, бу ерга қўш нури тушмаслигидан, ҳаво айланмаслигидан ҳомиладор аёлларнинг кўнгли беҳузур бўлади. Лабораториянинг аҳволи ачинарли: тез чиқиб кетгиниз келади. Бу ерда эса узоқ вақт наъбат нутиш зарур. Бунинг учун шaroитлар яратилмаган. Биз ҳам барча шaroитлари бўлган, кенг ва ёруғ аёллар консултациясига катнашни истаймиз.

Бир җурппа аёллар номидан:
Ҳалима ИСМОИЛОВА.



БОЛАЖОНЛАР, ребус чизмаларга, турли топишмоқларга сизлардан жавоблар олаётганлигимиздан хурсандимиз. Газетамизнинг 27 февраль сонидagi «... кўён сабзига етиб келиши учун қайси йўлдан юриши керак!» деган саволга оққўрғонлик Розия Қулбекова, бўқалик Гули Йўлдошева, Мурод Йўлдошев, Шерали Ҳолбоев, янгийўллик С. Жумадуллаев, Бўстонлик райондан Зулфия Ускенова, писантлик Дилфуза Жўрахонова, чинозлик Мурод Сафаров, Ўрта Чирчиқ районидан Муродалиевлар, бекободлик Ҳилола Эргашева, оҳангаронлик Пардабой Ерматовлар

ЖАВОБ ТЎҒРИ



тўғри жавоб йўллашган. Шунингдек, газетанинг 12 март сонидagi топишмоқларни бекободлик С. Раҳмонова, янгийўллик Г. Амришоева, Р. Ортиқбоевалар тўғри топишган.

Қўйида чизманинг тўғри ҳал қилинган кўриниши; топишмоқлар жавоби: печка, шамол, хўроз, паншаха.

ҚАРДОШЛАР МУШОИРАСИ
— С. МАРШАК.
МУШУКЛАР СУҲБАТИ

Мушук мушукдан сўраб:
— Борми мушукда тирноқ?
— Уйлаб боқ-чи, тирноқсиз
Осонми сиққон тутмоқ,
Мушук мушукдан сўраб:
— Мушук кимнинг онаси!
— Қариб, айнаб қолдингми!
Бизлар ўзинг боласи.

УЧ НУХОТЧА

Аравага хўрозни қўшиб
Борар эдим уч нухот ортиб.
Манзилмига етай деганда
Нухотларни қўйдим йўқотиб.

— МИРШАКАР

ДОНО БОБО

Юз ёшли бобо хурсанд;
Утказдим дер зўр кўчат.
Анаблани неваро.
Нега бўлиб овора.
Қариб юзга кирган чоғ,
Яратман дейсиз бoғ
Бу кўчатлардан ҳосил
Кутти керак неча йил
Дам олинг қилиб ҳузур,
Энди бoғ нега зарур!
Йўқ деди доно бобо,
Эканимда мен бола.
Юз ёшли бувам боғи
Эди пок кўз қароғи.
Бувам меҳрини сезиб,
Меҳасин ердми узиб.
Эзгу удуми ёқлаб,
Бобомга ҳурмат сақлаб
Неварамга деб хурсанд
Утказман кўп кўчат.

Қамбар ЎТАЕВ таржималари.

ҚИЗИҚ БОЛА

Ўзим литта боламан
Лекин ҳайрон қоламан
Қилар бўлсам бирор иш
Мисол: пойга, югурниш
Туяқушга айланиб,
Ўзиб чиқаман ғолиб,
Учгим келса қалдирғоч,
Қаби ёсаман қулоқ.
Ўйнаб бўлсам баскетбол
Жирафаман бежалол.
Бокс тушсам кенгуру
Қўлим берар мана у.
Рақибимни нокаут
Қилгим ўтай бир минут
Битта чатоқ ери бор.
Ўқашларим сал ночор.
Кия берар ақли бош.
Ўзимни қилдим-ку фoш.
Шундай қизик боламан,
Қаҳон «тўрт», «беш»
оламан.
Омон АҚРАМОВ.

Ғайрат хўв нарироқда, олча дарахти соясида ерга ўтириб олганча темир-терсақ уйнаётган ўқаси Асадни ёнига қақириб олди-да:

— Менга қара, эртага шаҳарга бориб айланиб келамиз, бўптими? — сўради.
— Бўлмаса-чи, — шундай дедию, Асаднинг хўрсандлигидан оғзи қўлоғига етаёзди. Асфальт ётқизилган ҳовлида сакраб-сакраб ўйнашга киришиб кетди. Ур-ре...

У ҳам энди эртага шаҳарга боради. Шундай маза қилиб ўйнасинки... хўв бирдағиди. Ушанда ҳам акиси билан шаҳар айланишган, дарахтлари катта-катта истироҳат боғига тушишган. Асад у ерда самолётда, ракетада учган, юмалоқ катта тахтага ўрнатилган бугу, отда ўтириб олиб роса айланганди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлгандию, фақат ҳайвонот боғига киришга ўлгурмай қолишганди. Асад шуларни хотирладию, яна югуриб акасининг ёнига келди. У сўрида чалқанча тушиб, пешонасига қўлини қўйганча кўм-кўк осмонни томоша қилиб ётарди.

— Ака хў ака! — Асад Ғайратнинг оёғидан туртиб ўзига қарашга мажбур қила бошлади.

— Эртага ҳайвонот боғига ҳам кирамизми?
— Албатта кирамиз. Асаднинг қувончига ҳовли торлик қилгандай бўлди. Югургилаб ташқарига чиқиб кетди. Нарироқда катта бедарда шимнинг почасини қаириб, ялангоёқ тупроқ

сўнг катта ариқдаги сувага термлар экан, оқиб кетаётган қандайдир шишани кўриб қолиб, Азимнинг рогаткасини сўраб олди. У Асаднинг нима қилмоқчилигини тезда сезиб: «Нима, анови шишани ўрмақчимисан? Агар тегизолмасанг мен ураман хўпми? — деди.

сизиб чиқибдию, Асаднинг юраги «шув» этиб кетди.
— Нима бўлди, ака?
— Боя катта ариқча чўмилгани борувдим. Сува тағида шиша бор экан, билмай босиб олибман.

Кимдир Асаднинг устидан муздек сув қўйиб юборгандай бўлди. «Боя ўзи шу шишани рогатка билан... Ҳе, ҳе айб унда. Энди шаҳар ҳам йўқ, бошқаси ҳам...
— Эртага шаҳарга боролмаймизми?
— Қайдам... — Акаси мужмал жавоб қилди. Асаднинг кўнглини чўктиришни истамади, шекилли.
Йўқ... Боролмасликлари аниқ. Эҳ Асад нимани ўйлаб ўтирибди-я. Ахир акаси... Унга қийин, яраси роса оғриётгандир... Ана юзи ҳам тиршиб кетаяпти-ку.

Шу он ичкаридан онаси чиқиб келди. У Ғайратга ачинчи билан боқиб:

— Қайси қўли сингур ариқча шишани синдириб ташлади эканга? Ушани кўрсаммиди?
Асад ўзини шапалоқ егандай ҳис қилди. Шу тобда юраги тўздай ачишиб, акасининг юзига қарашга ботине олмади, икки чеккаси лов-лов ёнарди.

Улуғбек МУСТАҒОҚУЛОВ.

ХИКОЯ АЙБ

кечиб юрган бодомқовоқ болани кўрдюю, унинг олдида борди.

— Азим нима қилиб юрибсан! — дея ўртоғининг чанг босиб кетган юзига боқди.
— Кўрмайсанми? — деди Азим қўлидаги сарик резинкали рогаткасига ишора қилиб.
— Қушларни пойлаб юрибман.

— Азим биласанми, эртага акам билан шаҳарга борамиз.

Асад ўзи айтган янгилик ўртоғига роса алам қилишини истарди. Лекин Азимнинг «Э-э, шунга хўрсандмисан, Мен ҳар доим оймилар билан бориб тураман-у», — дея пинагини бузмаганини кўриб, шалвираб тушди. Бироздан

Аммо Асад мўлжалга олиб отган тош сув юзиде лапанглаб оқиб кетаётган шишага тегди. Шиша апоп» этиб ёрилиб, синган бўлаклари чўкиб кўздан ғойиб бўлди. Асад «мўлжалимни кўрдимми?» дегандай ғурурланиб, кўз қири билан ўртоғига қаради. У эса «ачақимассан» дегандай бош чайқаб қўйди. Шу зайлда улар анча айланишди. Асад оёғи толиб, кечга яқин уйга қайтганида қутилмаган ҳолининг устидан чиқиб қолди. Сўрининг четиде ўтирган акаси бир оёғини оппоқ битнга ўраб олганди. Бинтинг ўртасида қандайдир қизил доғ. Нима-а? Қон...?!

Ҳатто шунча ўралса ҳам

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ КЛУБИ




Оққўрғон районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг Чилонзор участкасидаги боғчада болаларни саъбатга қизиқтиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда очилган «Кичик артистлар клуби»да жажжилар ҳар хил миннаторлар кўрсатишади, раққоса қизалоқлар эса ўйинга тушиб ўртоқларини хушнуд этишади.
Х. АВВАЛОВ фотолари.

НИГОРА УЯЛДИ

ДИЛҒУЗА ўртоғи билан бирга ўйнаётган эди. Узоқдан ҳассе таяниб, бир қўлидан кичикроқ туғунча кўтариб келаятган чолга кўзи тушди. У жуда секин ҳаракатланар, гавдаси анча букчайиб қолган эди. Кекса одам янги очилган ариқча олдида келганда пайпасланиб қолди. У оёқлари ёнидаги катта-кичик асфальт бўлакчаларига қоқилиб кетмаслиги учун уёқдан-бўёққа аста-аста юрар, хатлаб ўтишга жазм қилолмасди.
— Юр, Нигора, ёрдам берамиз, — деди Дилғуза ўртоғига чол томон талпиниб.
— Э, аргимчоғимни учиб олай, — дея эътироз билдирди ўртоғи.
Дилғуза ўзи ёрдамга шошилди. У кекса отахон олдида етиб борган йўл оқди, кейин отанинг туғунчасини кўтариб олди. Чол ҳассасига таяниб, бир қўли билан Дилғуза-

нинг қўлини ушлаб, текис жойга ўтди.
— Балли қизим, умрингдан барака топ, отанга раҳмат, — дея миннатдорчилик билдирди қария.
Кейин ўзига кўмаклашган қизалоқдан шофер Қарим акалариникини сўради.
— Уели Салим яқинда Афғонистонда хизмат қилиб қайтган, — деди у. — Набирам ҳам у билан бирга экан. Сўрагани келаялман...
— Менинг акам бўладилар, — аргимчоқдан сакраб тушди бу сўзларни эшитган Нигора.
— Биз ўзимиз бошлаб борамиз, — деди Дилғуза отани етаклар экан.
Чол севиниб кетди. Нигора улар билан уй томон борар экан, ҳали чолга ёрдам бермаганлигидан жуда уялиб кетди.
Сандвали ҲАСАНОВ.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



Сўзсиз суратлар...



А. ҲАКИМОВ расмлари.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

● «ПАХТАКОР» футболчиларининг мавсумдаги «Ротор» командаси билан бўлган биринчи ўйинига кўп сонли мухлислар катта ўимда боғлашган эди. Негаки мавсумдаги ўртоқлик ва кубок учрашувларининг муваффақиятли ўтказилган тошкентлик футболчилар бу йил олий лигага чиқишнинг мақсади қилиб олишган. Шундай экан ўз майдонидоғина эмас, балки сафарда ҳам имкон борича кўпроқ очко туپлагандоғина мақсадга эришиш мумкин. Лекин биринчи ўйин мухлисларни анча ранжитиб қўйди. «Пахтакор» 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрагани эмас, балки рақиб жарима майдонидоғина кескин ҳолатлар [63-минутда дарвозабон Валерий Клейманов кўпол хатога йўл қўйиб, дарвозани бўш қолдирганини ҳисобламаганда] ярата олишмади. Бир сўз билан айтганда ҳужумчиларимизнинг ўйини қовушмади. 73-минутда меҳмонлар команда капитани Александр Никитини ҳисобини очди. Бундан бир минутча муқаддам Юрий Курбинко ажойиб маҳорат кўрсатган эди. Лекин бу гал тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур бўлди.

Чемпионат энди бошланди.

Битта ўйиндан хулоса чиқариб бўлмайди, албатта. Қимматли иккинчи очко қўлдан кетди. Стартдаги муваффақиятсизлик командамиз учун жондий сабоқ бўлсин.

Биринчи лига вакиллариининг биринчи турда ўтказилган жамми 10 та учрашунинг 4 тасида майдон эгалари ғолиб келган бўлса, худди шунча учрашувда меҳмонлар ғалабага эришдилар. 2 та ўйин

дуранг бўлиб тугади. Ана шу учрашув натижалари билан танишинг: «Заря» — «Динамо» [Ст] — 0:2, «Ростсельмаш» — «Спартак» — 3:1, «Динамо» [Бт] — «Кузбасс» — 0:1, «Гурья» — ЦСКА — 1:2, «Металлург» — «Звезда» — 0:0, «Колос» — «Геолог» — 2:0, «Помир» — АСК [Р] — 4:0, «Котайк» — АСК [Карпати] — 3:2, «Кубан» — «Даугава» — 1:1.



Суратда: «Пахтакор» — «Ротор» командалари учрашуви пайти. Б. НАТАНИЛОВ фотоси.

ЯНГИ КОМПЛЕКС

КИРОВ районидаги қатор турар-жой массивларида спорт комплекслари қурилиши жадвал суръатлар билан олиб борилаётган. Бундай спорт-соғломлаштириш шаҳобчалари Юнусобод массивининг барча кварталларида бунёд этилмоқда. Жумладан, яқинда 19-кварталда 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси бун-

ёдкорлари «Малютка» болалар уйида, «Марказ-4» кварталларида спорт комплексларини фойдаланишга топширдилар. Мазкур комплексларда барча шароитлар яратилган. Ҳатто, сузиш бассейни ҳам мавжуд. Ана шу ишларни амалга оширишда Ф. Собиров, А. Сулаймонов, В. Зорин каби қурувчилар ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар кунлик иш нормаларини 120-130 процентга адо этишмоқда.

С. СУЛТОНОВ.



● ТОШКЕНТДА спорт гимнастикаси бўйича қизлар ўртасида «Шаҳар ўмидлари» турнири бўлиб ўтди. Унда 121-ўрта мактаб ўқувчиси Светлана Фальберг муваффа-

қиятли иштирок этиб ўсмирлар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди.

Суратда: мусобақа ғолиби С. Фальберг. А. ТРАВИЦКИЙ фотоси.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ОЛИЙ ЛИГАДА ҚОЛИШДИ

● ВОЛЕЙБОЛ бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари мавсумнинг сўнгги даври ўйинларига яқин ясадилар. Тошкентнинг «Автомобилист» қизлари Ленинградда умумий 7—12 ўринлар учун баҳslashдилар. Ҳамшахарларимиз Ворошиловграднинг «Искра» ва «Уралочка» — 2 командаларини бир хил — 3:1, Челябинскнинг «Политехник» клубини 3:0 ҳисобида енгиб, Минскининг «Коммунальник» коллективига 0:3, Ленинграднинг ТТУ волейболчиларига 2:3 ҳисобида ютқазилди. Пировард натижада ҳамшахарларимиз ўзининг ўзини эгаллашди. Мусобақа низомига кўра Челябинскнинг «Политехник» командаси олий лига билан хайрлашди.

СТОЛ ТЕННИСИ

ПОЙТАХТ ўқувчиларининг XXXIV спорткинадеси программаси асосида ўтказилган стол теннис бўйича мусобақалари нийоясига етди. Финалда район мусобақалари ғолиблари иштирок этишди. Унда Куйбишев районининг 50-ўрта мактаб ўқувчилари муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб чиқишди.

А. БРАЙЛОВСКИЙ.

«Табиат ва инсон»

КОНКУРС ЯКУНЛАРИ

Ҳозирги вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳаммани қизиқтирмоқда. Экология эндиликда тобора ривожланиётган фан бўлиб қолди. Кенг жамоатчиликнинг атроф муҳит муҳофазаси муаммоларига қизиқиши тобора ошмоқда. Бу муҳим ишга республикамиз пойтахт областининг журналистлари ҳам баҳоли-қўдрат ҳисса қўшмоқдалар. Улар табиатни муҳофаза қилишга бағишланган қатор ёрқин чиқишлар қилишди. Шу муҳим соҳа масалалари билан актив шугулланаётган қаламашлар област табиатни муҳофаза қилиш жамияти ва област журналистлар ташкилоти томонидан уюштирилган «Табиат ва инсон» конкурсига қатнашдилар. Бу конкурсга якун ясалди.

Конкурс жюри «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган материалларини кенг ёритаётганлигини, уларнинг қўпчилиги аниқ мақсадга қаратилганлиги ва муҳим муаммоларга бағишланаётганлигини таъкидлади. Область радиосининг танқидий репортажлари мазмунли бўлаётганлигини қайд қилди.

Биринчи даражали диплом ва 300 сўмлик пул мукофоти «Ташкентская правда» газета редакциясига берилди. «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси эса иккинчи даражали диплом ва 200 сўмлик пул мукофотига лойиқ деб топилди. Область радиоси бош редакциясига ҳам иккинчи даражали диплом ва 200 сўмлик пул мукофоти берилди.

«Ангренская правда» ва Оржоникидзе район «Коммунизм тоғи» газетаси шаҳар ва район газеталари конкурси ғолиблари бўлдилар. Иккинчи даражали дип-

лом ва 75 сўмлик пул мукофоти «Оҳангарон» газетасига берилди. Иккинчи даражали иккинчи дипломни бермасликка қарор қилинди. Учинчи даражали диплом ва 50 сўмлик пул мукофоти Чиноз район «Ленин байроғи» Галаба район «Ленин йўли» ва «Амаликийский рабочий» газеталарига берилди.

Атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган энг яхши материаллар автори бўлган ва шундай материалларни ташкил этишда фол қатнашган журналистларга ҳам дипломлар ва мукофотлар берилди. Биринчи даражали диплом ва 100 сўмлик мукофот «Ташкентская правда» газетаси ходими Г. Чебанова ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходими М. Мирҳамидовга берилди. Область радиосининг редактори Т. Сиротина ва «Ташкентская правда» газетаси журналисти А. Скоробогатовлар иккинчи даражали дипломлар ҳамда 75 сўмлик пул мукофотларини олишди. Учинчи даражали дипломлар ва 50 сўмлик пул мукофотлари ангренлик актив жамоатчи мухбир С. Юсупова, область радиоси редактори Т. Боровиковага, «Тошкент ҳақиқати» журналисти Ф. Муҳиддиновга берилди.

Фотожурналистлар конкурсида 75 сўмлик биринчи мукофотлар «Ташкентская правда» газетасининг фото-мухбири А. Караванов ва ҳаваскор фотограф В. Тимошенкога берилди. Иккинчи мукофотлар Бўстонлиқ районидан фотожурналист В. Портновга ва Янгийўл районидан фотожурналист Р. Галиева берилди. Фотоҳаваскорлар К. Муллабоев, В. Таран ва фотожурналист А. Зуфаровларнинг ишлари учинчи мукофотга лойиқ деб топилди.

ПАЗАНДАЛИК КЎРИГИ

КАЛИНИН район Назарбек маданият уйида халқимиз ўртасида тансиқ твомлардан сумалак, кўк сомса ва кўк чучвара пазандаларининг конкурси бўлиб ўтди. Унда маҳаллаларнинг энг пазанда аёллари қатнашдилар.

Конкурсда иштирок этган

ўн икки аёлдан сумалак бўйича биринчи ва иккинчи ўринларни Ҳамид Расулова, Саломат Қосимова, кўк сомса ва кўк чучвара бўйича юқори ўринларни Шарифа Нурматова ва Нури Шахсановлар олдилар. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва район маданият бўлимининг faxрий ёрлиқлари топширилди.

Д. РАСУЛОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

РФСРда хизмат кўрсатган артист Анаголий КОРНИЛОВ раҳбарлигидаги

«ҲИНД ВА АФРИКА ФИЛЛАРИ»

катта аттракционининг

ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

Тошоналар соат 19.30 да; шанба кунлари — 16, 19.00 да; якшанба кунлари — 12, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

Ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

17, 18 апрель соат 19.30 да

СССР халқ артистлари

Жўрабек МУРОДОВ

ва

Малика ҚАЛАНДАРОВА

КОНЦЕРТИ

Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32